

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МОВЛОНОВА ШАХНОЗА СОБИРОВНА**

**КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ШИФОХОНАГА БОҒЛИҚ БЎЛГАН  
ЗОТИЛЖАМ (ТАШХИСЛАШ, КЛИНИК КЕЧИШИ, ДАВОЛАШ)**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Докторлик (DSc) диссертациясига автореферат мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Мовлонова Шахноза Собировна**

Кичик ёшдаги болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам  
(ташхислаш, клиник кечиши ва даволаш)..... 3

**Мовлонова Шахноза Собировна**

Внутрибольничная пневмония у детей раннего возраста  
(диагностика, клиника и лечение)..... 25

**Movlonova Shakhnoza Sobirovna**

Hospital-acquired pneumonia in young children  
(diagnosis, clinic and treatment)..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 53

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МОВЛОНОВА ШАХНОЗА СОБИРОВНА**

**КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ШИФОХОНАГА БОҒЛИҚ БЎЛГАН  
ЗОТИЛЖАМ (ТАШХИСЛАШ, КЛИНИК КЕЧИШИ, ДАВОЛАШ)**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Tib63 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шамсиев Фурқат Мухитдинович  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Агзамова Шоира Абдусаломовна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бобомуратов Турдикул Акрамович  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Камалов Зайнитдин Сайфутдинович  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини  
ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc 0430.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «12» ноябр кунини соат 19:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (083 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «1» ноябр кунини тарқатилди.  
(2021 йил «1» ноябр даги 115 рақамли реестр баённомаси).



MA  
А.В. Алимов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қ.Н. Хаитов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда охириги йилларда госпитал инфекция (ГИ), (нозокомиал инфекция (НИ) ёки шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам (ШббЗ) муаммосининг долзарблиги барча янги ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар учун касалланиш кўрсаткичининг юқорилиги, ижтимоий-иқтисодий ва рухий зарар келтирувчи омил сифатида юқори ўрин эгаллайди. Шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам касалхонадаги умумий муаммоларнинг бир қисми бўлиб, унинг ривожланиши замонавий тиббиётнинг долзарб вазифаларидан биридир. ЖССТ маълумотларига кўра, дунёда хар йили туғилган 130 миллион боладан 9 миллион нафари юқумли касалликлардан вафот этмоқда. Ушбу юқумли касалликлар орасида энг долзарблари шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамдир<sup>1</sup>. Сўнги 10 йил ичида жонлантириш ва интенсиф терапия бўлимларида ўлим холатларининг асосий сабаби касалхона ичи инфекцияси бўлиб келмоқда.

Жахонда педиатриянинг устувор йўналишлари бўйича текширувлар олиб борилиб, улар орасида шифохонага боғлиқ бўлган инфекция етакчи ўрин эгаллайди. Шифохона ичи инфекцияси тахминан 40% болаларда ўлим холатига олиб келувчи сабаб бўлиб, кўп холатларда 1 ёшгача, аксарият 6 ойликгача бўлган болалар касалланадилар. Шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамдан ўлим кўрсаткичлари барча ўлим холатларининг 1-2% ни ташкил қилади<sup>2</sup>. Шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам ривожланишида грамманфий штамм бактерияларнинг ўз флораси таркибига кирувчи антибиотикларга қаршилиги ва организм иммун тизимининг сустлиги сабаб бўлади. Шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамдан ўлим холатига касаллик кўзгатувчиси, *Pseudomonas aeruginosa* биринчи ўринда бўлиб, кейинги ўринларда *Staphylococcus aureus*, *Klebsiella pneumoniae* туради. Бошқа касалликлар сабабли шифохонага ётқизилган беморларнинг 0,5-1% шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам ривожланади.<sup>3</sup> Кичик ёшдаги болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам ривожланишининг олдини олиш, эрта ташхис қўйиш ва даволаш услубларини ишлаб чиқиш мутахасислар олдида энг мухим муаммолардан бири хисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишда болаларни химоя қилиш ва соғлом авлодни шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар

<sup>1</sup> <http://www.who.int/mediacentre>

<sup>2</sup> Особенности течения внутрибольничной пневмонии у детей дошкольного возраста региона Приаралья : научное издание / П. Р. Алиева, Г. М. Джуманиязова // Инфекция, иммунитет и фармакология. - Ташкент, 2017. - №2. - С. 34-37.; Перинатальные заболевания как ведущая причина летальных исходов у детей : научное издание / О. К. Кирилочев, И. З. Кетиашвили, З. Г. Тарасова // Лечащий врач : Медицинский научно-практический журнал. - Москва : ООО "Издательство "Открытые системы". - 2019. - № 9. - С. 46-51

<sup>3</sup> Клиническая характеристика параметров аммониегенеза при осложненных пневмониях у детей раннего возраста/ Р. Н. Тахирова [и др.] // Педиатрия. - Ташкент, 2018. - №4. - С. 254-257.; Госпитальная пневмония, ассоциированная с возбудителем *Stenotrophomonas maltophilia*, у новорожденных детей : научное издание / М. В. Кушнарева [и др.] // Российский вестник перинатологии и педиатрии. - М., 2017. - Том 62 №3. - С. 53-58.

стратегиясига мувофиқ “...ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг қулайлиги ва сифатини ошириш, унинг бирламчи қатламини янада ислоҳ қилиш ва шошинч ёрдам кўрсатиш тизими, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш”га<sup>4</sup> қаратилган муҳим вазифалар қўйилди. Бу борада болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамни ташхислаш ва даволашнинг замонавий юқори технологик усуллари ишлаб чиқиш ва кенг тадбиқ этиш орқали иқтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш йўли билан болалар орасида ногиронликни олдини олиш, ўлим кўрсаткичини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш педиатриянинг долзарб масалаларидан хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 октябрдаги ПҚ-4847-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан технологияни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

#### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи.<sup>5</sup>**

Болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамни клиник-диагностик асослари ва уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи бўлган илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Британия торакал жамияти (British Thoracic Society British BTS (Буюк Британия), («Schneider», Израиль) Исроил тиббиёт университетининг (Исроил), «Sharite» университетининг клиникаси (Германия), «Gelderberg» университети клиникаси (Германия), Хаима Шибба болалар Давлат тиббиёт маркази (Исроил), Оксфорд университети Oxford University (АҚШ), University of California (АҚШ) Вашингтон университети (АҚШ), Department of Public Health Sciences (АҚШ); Medical Research Council (Великобритания), (АҚШ), Weill Cornell Medical College of Cornell University (АҚШ) Вейл Корнелл

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

<sup>5</sup> Диссертациянинг мазмуни бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи: <http://oxford.university-guides.com>, [www.washington.edu](http://www.washington.edu), <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

тиббиёт университети (АҚШ), Department of Public Health Sciences (АҚШ) жамиятни соғломлаштириш илмий-амалий маркази; Medical Research Council тиббий изланишлар кенгаши (Великобритания), Россия тиббиёт фанлари академияси педиатрия илмий- амалий маркази (Россия), И.М. Сеченов номи Москва тиббиёт академиясининг болалар шифохонаси (Россия), ФДМБ илмий текшириш олийгохи (Россия) ва Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жахонда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам билан касалланган кичик ёшдаги болаларнинг клиник-диагностик асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот асосида қатор натижалар олинган, жумладан: янги туғилган чақалоқларда касалликни оғир кечиши, кичик ёшдаги болаларда касалликни эрта аниқлаш, олдини олиш ва даволашни такомиллаштириш исботланган (University of Pittsburgh, АҚШ), касалликнинг бошланғич даврида тизимли яллиғланишнинг ривожланиши цитокин фаоллигининг ошиши билан намоён бўлиши исботланган (Royal College of Physicians of London, Англия); касалликнинг оғир кечишида бактериялар гуруҳи алоҳида ўрин эгаллаб, шу жумладан, ванкомицинга чидамлилиги исботланган (*Enterococcus faecium*), метициллинга чидамли (*Pseudomonas aeruginosa*, *Klebsiella pneumoniae*, *Acinetobacter baumannii*, ва *Enterobacter species*)  $\beta$ - лактамаза ишлаб чиқарувчи кенгайтирилган таъсир доирасидаги IV авлод цефалоспоринлар ва аминокликозидлар самарадорлиги исботланган (American Academy of Emergency Medicine, АҚШ); болалар қонида микроэлемент таркибининг камайиши уларнинг жисмоний ривожланишидан орқада қолишига таъсири асосланган (Babol University of Medical Sciences, Иран); ИЛ-6 юрак етишмовчилигида мушаклар кучсизлиги нинг ахамияти экспериментал равишда исботланган, ИЛ-8 мушаклар массаси пасайишида (University of Pittsburgh, АҚШ); суяклар атрофик ўзгаришлар ривожланишида ФНО- $\alpha$  яллиғланишга хос цитокин ахамияти исботланган (Россия фанлар академияси болалар саломатлиги илмий маркази; касаллик патогенезида липид пероксидацияси ахамияти исботланган (University of London, Англия).

Хозирги кунда Дунёда кичик ёшдаги болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамнинг патогенетик механизмларини ўрганиш, эрта ташхислаш ва даволаш усулларини илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: замонавий диагностика усуллари, даволаш, соғломлаштириш ва касаллик ривожланишини олдини олиш, касалликга таъсир этувчи асосий перинатал ҳолатни башорат қилувчи хавф омиллари; преморбид фон ва ёндош касалликларни аниқлаш; касалликда иммунологик, прооксидант-оксидант ва микроэлемент системасини аниқлаш, яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокин маркерларини аниқлаш; кичик ёшдаги болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамни иммунмодуловчи ва витамин-минерал комплекслар ёрдамида дифференциал даволашни такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кичик ёшдаги болалар ўртасида Шбб зотилжамнинг кенг тарқалганлиги, ҳамда ўлим даражасининг нисбатан юқорилиги муаммонинг долзарблигини, касалликни даволаш усулини янада

такомиллаштиришни белгилайди (Абадий И.И. ва бошқ., 2018; Боровик Т.Э. ва бошқ., 2019; Agata Z., Jerzy S., et. al., 2017). Америкалик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам барча нозокомиал инфекциялар орасида иккинчи касаллик бўлиб, касалхона инфекциялар орасида ўлимга олиб келишда биринчи ўринни эгаллайди (Алиев А.Л., Хакимова У.Р., 2019; Devine V.T. et. al., 2017). Шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам касалхонага ётқизилган болалар орасида касалхоналардаги барча инфекциянинг 6 - 27% ни ташкил этади (Яковлев С.В., ва бошқалар 2014; Самсыгина Г.А., 2019). Хорижий тадқиқотчиларнинг кузатувларига кўра аксарият холатларда вентилятор-ассоцияланган пневмония (ВАП) вентилятор ассоцияланмаган пневмониядан (ВнАП) 5-15 баробар кўп учрайди. Миллий нозокомиал инфекцияни кузатиш тизимида мувофиқ (NNIS), АҚШ даги педиатрия шифоналарида ВАП билан касалланиш вентилятор ассоцияланмаган пневмонияга кўра 6 мартаба кўп учрайди (Макара Р.Н. et.al., 2017; Hsu D.Y., Shinkaik., Silverberg J.I., 2018). Америка Қўшма Штатлари, Европа касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш марказлари ва идоралараро илмий-кенгаш тадқиқотлари маълумотлари асосида, нозокомиал инфекциялар бўйича педиатрия клиникаларида янги туғилган чақалоқларда касалхона ичидаги инфекциялар билан касалланиш даражаси 4% дан 7%гача ни ташкил этса, умумий бўлимларда бу кўрсаткич анча юқори бўлиб 8% - 11% га тенгдир (Zanasi A. et. al, 2014; Vogel M., Roland P., Schmitz H., Brunkhors M., 2016).

Москва шаҳридаги кўп тармоқли шифохоналарда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, кичик ёшдаги болалар орасида шифохона ичи пневмониясидан ўлим кўрсаткичи 12,7 - 40% ташкил қилади. Бу кўрсаткич бир ёшдан уч ёшгача, кўп холатларда 6 ойликгача бўлган болаларга характерлидир (Геппе Н.А., ва бошқ.; Лютина Е.И., ва бошқ. 2015).

Ўзбекистон олимлари томонидан ўтказилган текширув натижалари шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам тахминан 40% болаларда ўлим сабабларидан бири бўлиб, кўпинча бир ёшгача бўлган болалар, аксарият 6 ойликгача бўлган даврда учраши исботланган (Даминов Т.О., 2019). Барча ўлим кўрсаткичлари ичида шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамдан ўлим 1-2%ни ташкил қилади. Шифохонага боғлиқ бўлган зотилжами (Шбб3) ривожланишининг асосий сабаби, кўпинча ўз флорасининг таркибига кирувчи граммусбат бактерияларга антибиотиклар резистентлиги ва организм иммун тизимининг ҳолати сабаб бўлади (Малянский Н.А. ва ҳаммуаллифлар. 2017; Мелехина У.В. ва ҳаммуаллиф., 2016). Шифохона ичи зотилжамидан ўлим касаллик қўзғатувчиси аксарият холатларда *Pseudomonas Aeruginosa*, қолган холатларда *St. Aureus* ва бошқа грам-манфий бактериялар сабаб бўлади. Бошқа касалликлар туфайли касалхонага ётқизилган 0,5–1% беморларда Шбб3 ривожланади (Мамляев Р.Н., 2017; Овсянников Д.Ю. ва ҳаммуаллиф., 2020). АҚШ касалликлар ривожланишини олдини олиш ва назорат қилиш марказларининг кўрсаткичларига, шифохона ичи инфекциясини назорат этувчи Европа ва идоралараро илмий кенгаш текширувларига кўра педиатрик клиникаларнинг чақалоқлар орасида шифохона ичи инфекцияси 4%-7%ни, умумий бўлимларда эса бу кўрсаткич 8%-11% ва ундан юқорини ташкил этади



(Кушнарева М.К., Мархулия Х.М., Дементьева Г.С., 2017; Viviani L. et.al., 2016; Torumkunev D. et.al., 2018).

Кичик ёшдаги болаларнинг иммун тизимининг ҳолати юқумли-яллиғланиш касаллигининг ривожланиши, клиник кечишининг хусусиятлари ва прогнозини башорат қилишни белгилайди. Маълумки, иммун тизимини доимий антигенлик стимуляцияси унинг захираси камайишига ва кейинчалик эса иккиламчи иммунтанқислик ҳолатига ёки патогенетик ахамиятга эга механизмларни гиперстимуляциясига олиб келади. Кичик ёшдаги болалар орасида микроэлементларнинг (МЭ) етишмаслиги, улар микдорининг кўпайиши ёки номуносиблиги етарлича ўрганилмаган. Маълумки, МЭ инсон танасида турли хил функцияларни амалга оширишда иштирок этиб, кўпгина биологик ферментлар, гормонлар, витаминлар таркибига киради, иммуногенез, гемопоэз, тўқималарнинг нафас олиши жараёнларида иштирок этади, антиоксидантлик ва мембрана барқарорлаштирувчи хусусиятига эга.

Мавжуд адабиётлар шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам учраш даражаси, ривожланишига таъсир этувчи хавф омилларини тизимли тахлили, шунингдек иммунологик, биокимёвий ва микроэлементлар ўзгаришлари ҳақида камсонли, айрим ҳолларда эса қарама-қарши маълумотлар келтирилган. ШББЗ эрта ташхислаш ва даволашни самарадорлигини баҳолаш бўйича тадқиқотлар кенг миқёсда ўрганилмаган. Шунинг учун патогенетик ёндошув асосида янги даволаш усуллари ишлаб чиқиш, касалликни авж олишини олдини олиб, болалар орасида ўлим камайишига ва ўсиб келаётган авлоднинг тўлақонли фаол ҳаётини таъминланиши долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ППИ-10 А10-СС-0-97599 АД СС 1.4-014. «Кичик ёшдаги болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамни даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш» (2012-2014й) мавзусидаги илмий-лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кичик ёшдаги болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам ривожланишининг патогенетик механизмларини ҳисобга олган ҳолда диагностика ва даволаш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам ривожланишига таъсир этувчи омилларни ажратиш ва касаллик ривожланиши бўйича хавф гуруҳини аниқлаш;

кичик ёшдаги болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамнинг этиологик структураси ва учрашини баҳолаш;

шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам билан касалланган кичик ёшдаги болаларда клиник-иммунологик ва биокимёвий хусусиятларини баҳолаш;

шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам билан касалланган беморларнинг микроэлемент ўзгаришларини баҳолаш ва энг маълумотли ахамиятли кўрсаткичларни исботлаш;

шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамда боланинг микроэлемент холатини аниқлаш, асосий биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар билан боғлиқлигини баҳолаш;

кичик ёшдаги болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамни дифференциал даволаш ва профилактика усулларини ишлаб чиқиш, самарадорлигини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2014-2017 йилларда Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази пулмонология, кичик ёшдаги болалар, соматика жонлантириш ва интенсив терапия бўлимларида даволанишда бўлган шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам билан ташхисланган (150) нафар бемор ва таққослов гуруҳига (50) шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам билан ташхисланган болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида иммунологик, биокимёвий ва микроэлемент текшируви учун қон ва қон зардоби қўлланилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, биокимёвий, иммунологик, микроэлемент, функционал; клиник-рентгенологик, УТТ, ўпканинг МСКТ текшируви ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам кичик бўй-вазн кўрсаткичи билан туғилган, сунъий овқатланишда бўлган, юқори инфекцион индекс билан, асоссиз ва назоратсиз антибактериал даволанишда бўлган кичик ёшдаги болаларда ривожланиши исботланган;

шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам ривожланишида II-III авлод Цефалоспоринларга резистентлиги юқори бўлган грамманфий бактериялар *Staphylococcus aureus* 44,5%, *Escherichia coli* 43,6%, *klebsiella pneum* 32,7%, *pseudomonas aeruginosa* у 29,0% учраши исботланган;

шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам ривожланишига таъсир этувчи интерлейкинлар - ИЛ-1 $\beta$ , ИЛ-4, ИЛ-6, ИЛ-8 миқдорини аниқлаш орқали, яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг информативлиги ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги исботланган;

илк бор шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамда прооксидант тизими кўрсаткичлари МДА 1,5 ва ДК - 2,5 баробар ошганлиги, яллиғланиш жараёнининг оғир кечишида микроэлементлар миқдори билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги исботланган;

илк бор шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам оғир кечишида лимфоцитлар, нейтрофиллар фагоцитар фаоллигининг камайиши, CD20<sup>+</sup> лимфоцитларнинг кўпайиши, гуморал бўғин сустлашуви, микроэлемент таркиби: селен, цинк, темир концентрациясининг камайиши билан корреляцион боғлиқлик исботланган;

илк бор шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам билан касалланган кичик ёшдаги болаларда иммунмодуловчи ва витамин-микроэлемент комплекси дифференциал даволаш усули ишлаб чиқилди ва қўлланилиши исботланди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам шаклланиши хавф омилларига анти ва интранатал даврнинг ноқулай кечиши, озикланишнинг

номутаносиблиги, преморбид фон, генетик белгилар(қон гурухи), ёндош касалликлар ва антибактериал давонинг нотўғри қўлланилишини аниқлаш касаллик ривожланишини олдини олишга ёрдам беради;

тиббиёт муассасалари амалий фаолиятига шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамни келтириб чиқарувчи хавф омилларини эрта аниқлаш ва ўз вақтида касалликни олдини олишга қаратилган қўшимча маълумот таклиф этилган;

шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамни клиник кечиши иммунологик, биокимёвий ва микроэлемент ўзгаришларнинг корреляцион боғлиқлиги касаллик ривожланишини эрта башорат қилади;

кичик ёшдаги болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамда ишлаб чиқилган ва тавсия этилган дифференциал даволаш усуллари асосланган бўлиб, касалланиш ва ўлим ҳолатини камайишига олиб келиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жихатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник-функционал, биокимёвий, иммунологик, микроэлемент текширув усуллари асосланганлиги, барча рақамли маълумот замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларини халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кичик ёшдаги болаларда ривожланадиган шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамни клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш, касалликнинг патогенетик механизмларини ҳамда ушбу касаллик ривожланишида келиб чиқадиган асорат, болалар ўртасида ўлим ҳолатни камайиши даволаш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий диагностик текширувларга асосланганлиги, иммунологик ва микроэлемент етишмаслигига таяниб ишлаб чиқилган, таклиф этилган даволаш усули касалликнинг клиник кечиши, биокимёвий, иммунологик ва микроэлемент кўрсаткичларни барқарорлашишига олиб келади, даволаш самарадорлигини ошириб, иқтисодий сарф-харажатларни қисқартиради ва беморларнинг ҳаёт тарзи сифатини яхшиловчи даволаш усуллари билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кичик ёшдаги болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамни ташхислаш, даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кичик ёшдаги болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам касаллиги ривожланишини олдини олиш усуллари такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган “Кичик ёшдаги болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамни профилактикаси алгоритми” услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 мартдаги №8н-р/120-сон маълумотномаси). Тавсия этилган услубларнинг жорий этилиши касаллик ривожланишини олдини олишга ёрдам берган;

кичик ёшдаги болаларда шифохонага боғлиқ бўлган касаллигини ривожланишини олдини олиш мақсадида диагностик таҳлилларни такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган “Шифохонага боғлиқ бўлган

зотилжамни кичик ёшдаги болаларда диагностикаси ва даволаш тактикаси” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 февралдаги №8н-р/165-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларнинг амалиётган жорий этилиши натижасида шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам билан касалланган болаларга ўтказилган диагностик усуллар орқали замонавий патогенетик ёндашув орқали даволаш усуллари болалар саломатлигини тиклашга ёрдам берди, иммунологик, микроэлемент ўзгаришларни турғунлашишига эришилиб кичик ёшдаги болалар ўртасида ўлим кўрсаткичининг камайишига олиб келган;

шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам билан касалланган болаларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубларнинг илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё ва Жиззах вилоятларнинг болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 июндаги 8н-д/91-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши кичик ёшдаги болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамни ривожланиши олдини олишга ва болалар ўртасида ўлим кўрсаткичи камайишига олиб келади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 12 та республика миқёсидаги илмий–амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, жумладан 19 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 187 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шартли шаклланиш омиллари, клиник-иммунологик, микроэлемент таснифи, даволаш ва профилактикаси**» деб номланган биринчи боби 3та бўлимдан иборат бўлиб, маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида муаммонинг замонавий ҳолати ҳақида, касалликнинг тарқалганлиги ва касалликга олиб келувчи омиллар, клиник-рентгенологик хусусиятлари, касаллик патогенезида иммунологик ва микроэлемент

Ўзгаришларнинг ахамияти, цитокинларнинг иммунологик механизмдаги ахамияти, касаллик кўзгатувчиларни аниқлаган ҳолда эмперик даволаш, диагностика ва даволаш усулларининг афзаллик ва камчиликлари ҳамда ушбу соҳадаги ўз ечимини топмаган ёки аниқлаштирилиши талаб этиладиган жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтилган .

Диссертациянинг «**Клиник материал характеристикаси, шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамда болаларда текширув усуллари ва даволашга дифференциал ёндашуви**» деб номланган II бобида тадқиқот материаллари ва услубига, дифференциал даволаш усулларига умумий тавсиф берилган. Проспектив текширув 2 ойликдан 3 ёшгача бўлган 150 та шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам билан касалланган болада ўтказилган. Таққослаш гуруҳига 50 шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам билан касалланганлар (Шбб3) ва 20 амалий соғлом болалар олинган.

Ташхис Халқаро касалликлар таснифи – 10 (ХКТ-10) ва XVIII Миллий Конгресснинг (2009) нафас олиш аъзолари касалликларига бағишланган махсус кенгашида қабул қилинган болаларда бронх-ўпка касалликлари асосий клиник шакллари таснифига асосан қўйилган. Комплекс текширув усулларига умумклиник, функционал, биокимёвий, иммунологик ва микроэлементлар тадқиқот усуллари кирган.

Тадқиқотнинг биокимёвий усуллари ўз ичига «Beckman DU 650» (США) спектрофотометрда липидлар пероксидланиш маҳсулотлари лимфоцитлар суспензиясида диен конъюгатлар (ДК) даражаси аниқланган; малон диальдегиди (МДА) даражаси тиобарбитур кислота реакцияси билан аниқланган ЎзР ССВ РИПИАТМ.

Имунологик текширувлар иммун ҳолат кўрсаткичларини аниқлаш йўли билан ўтказилган бўлиб: CD3<sup>+</sup>-, CD4<sup>+</sup>-, CD8<sup>+</sup>-, CD16<sup>+</sup>-, CD20<sup>+</sup>- лимфоцит, А, М, G синф иммуноглобулинлари ва фагоцитар нейтрофил активлиги ЎзР ФА иммунология ва инсон геномикаси институтида аниқланган.

Қон зардобида IL -1β, IL-4, IL-6 ва IL-8 цитокинлар концентрацияси ЎзР ССВ РИПИАТМ биокимё лабораториясида «Multiskan FC» (Финляндия) фирмасининг ярим автомат ИФ анализаторида иммун фермент таҳлил усулида аниқланган.

Қонда микроэлементлар миқдори ЎР ФА ядроли физика институтида юқори частотали детектор ва юқори аниқликдаги компьютерлаштирилган гамма-спектрометрда ўрганилган. Маълумотлар таҳлили GENIE 2000 программа бўйича ўтказилган.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида текширувдаги болалар икки гуруҳга ажратилди: 150 нафар Шбб3 касалланган болалар ва 50 нафар шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам билан касалланган беморлар. Шунингдек, худди шу ёшдаги 40 нафар деярли соғлом болалар кўрсаткичлари ўрганилди.

Аниқланган ўзгаришларни коррекциялаш учун Шбб3 касалланган беморларни дифференциал даволаш схемаси ишлаб чиқилди:

I (назорат гуруҳи)ни базис даволаш (БД) - пархез, кун тартиби кўрсатмалар бўйича антибактериал даво парентерал сўнг эмперик (босқичли даво) спазмолитик, бронхолитик, юрак-томир ўзгаришларини бартараф этиш

мақсадида кардиотониклар, юрак гликозидлари, кислородли даво чоралари олган 50 нафар бемор ташкил қилади;

II гуруҳ шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам билан касалланган 50 бола базис даволаш билан биргаликда Полиоксидоний 3 мг, 15 мг/вазнга суткалик дозаси 0,9% NaCl эритмасига қўшиб 1 маҳал парентерал йўл билан 5 кун ўтказилган, сўнг кун ора мушак орасига новокаин 5% -3,0 мл эритилиб 1 маҳал 5 кун давомида амалга оширилган;

III гуруҳ 50 шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам билан касалланган беморлар базис даволашга қўшимча полиоксидоний 3 мг ва Витрум беби қуйидагича берилган. 1 табл 1 маҳал 20 кун сўнгра 1 табл 2 маҳал 3 ой давомида берилган;

Натижаларнинг статистик ишлови Microsoft Office Excel-2010 стандарт дастурлар пакети ёрдамида IBM туридаги замонавий ҳисоблаш тизимларини қўллаган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Кичик ёшдаги болаларда шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам касаллигининг ретроспектив тахлили**» деб номланган учинчи бобида бронх-ўпка патологияси аниқланган 4310 касаллик тарихлари ретроспектив тахлил қилинган. 3310 (76,7%) нафарида шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам, 520 (15,5%) шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам аниқланган.

Оғир аҳволда 42 (28,0%) болалар туғилган, 58 (38,6%) беморда бу ҳолат ўрта оғир деб баҳоланган. Хомила ичи зотилжами ривожланиши натижасида янги туғилган 28 (18,6%) чақалоқларнинг биринчи суткадаги ҳолати нафас етишмовчилиги, бош миёда қон айланиши бузилиши белгилари билан кечган, шу сабабли ушбу гуруҳдаги болаларга туғруқхонада антибактериал даволаш цефалоспаринларнинг II-III авлоди билан ўтказилган. Марказий нерв тизими томонидан (МНТ) ўзгаришлар гипоксик характерга эга бўлиб, 98 (65,3%) беморларда қўзғалувчанлик сусайиши аломатларидан устун келган. 110 (73,3%) кичик ёшдаги болаларда конъюгацион сариғлик ташхиси қўйилган бўлиб, ҳар учинчи болада бу ҳолат чўзилувчан кечишга хос бўлган, 39 (26,0%) - болаларда I даража хомила ичи гипотрофияси аниқланган. 33–34 гестацион ҳафтада туғилган болаларда хомила ичи гипотрофияси ишончли кам учраган ( $p < 0,05$ ). Лекин 35 ҳафта ва ундан юқори гестацион даврда туғилган болаларга нисбатан нафас олиш бузилиши 2 маротаба кўп бўлган ( $p < 0,05$ ). Юқорида келтирилган барча анамнестик маълумотлар боланинг келгусидаги ўсиб ривожланишида жуда катта аҳамият касб этади.

ШББЗ ташхиси билан стационар даволаниш учун беморлар касаллик ривожлангандан сўнг турли даврида касалхонага ётқизилган бўлиб, 22 (14,6%) беморлар инфекцион касалхонадан ичаклар дисбактериози ташхиси билан, 54 (36%) болалар марказнинг жонлантириш ва интенсив даволаш бўлимларига бошқа шифохоналардан ўтказилган, 42 (28%) пулмонология, 32 (21,3%) кичик ёшдаги болалар патологияси бўлимларига шифохоналарда даволаниб уйга жавоб берилганини 4-5 суткасига келиб тушган. Интоксикация белгилари, рентгенологик ҳамда, аъзолар ва тизим ўзгаришларига қараб касалликнинг оғирлик даражаси белгиланган.

Шбб3 билан ШТ касаллигининг бирламчи ажратиб турувчи белгиси бу болага инфекция юқиш шароити хисобланади.

Ота-оналар касалликнинг клиник белгиларидан тана хароратининг 38,6 ° С дан 39,0 ° С гача 6-8 кун давомида кузатилишига йўтал 80%, нафас қисилиши 100%, беҳаловатлик 45%, холсизлик, апатия 51,3%, уйқу бузилиши 86,6%, рангпарлик 86%, иштаха бузилиши 100%, талваса 8%, антибиотик ассоцирланган диарея 36% га шикоят қилганлар.

Шифохонага келган беморларнинг 68(45,3%) да рентгенологик текширув натижаларига кўра яллиғланиш ўчоғи аниқланмаган бўлиб, ушбу беморлар ўткир респиратор касаллик, трахеит, бронхит белгилари билан мурожаат қилганлар. Шифохонага келгандан 42-72 соат вақт ўтгандан сўнг тана харорати юқори кўрсаткичларга чиқгандан сўнг ўтказилган ўпканинг рентгенологик текширувида яллиғланиш ўчоқлари, гомоген инфилтратив соя аниқланган ва Шбб3 ташхиси қўйилган.

Шифохонага оғир ахволда 94 (62,6%), ўрта оғир -32 (21,3%) ва 24 (16%) енгил даражада келиб тушган. Тез-тез касалланувчи болаларда Шбб3 оғир кечган ва 92 (61,3%) беморларда турли хил асоратлар билан ўтган. Оғирлик даражаси касалликни оғир холатга олиб келувчи синдромлар билан боғлиқ бўлган. Касалликнинг асоратли кечиши ўғил болаларда 68,2% қизларга 52,1% нисбатан кўпроқ учраган.

Шифохонага келган беморларда 98% турли даражадаги харорат реакцияси кузатилган бўлиб, 3% беморларда тана харорати нормал кўрсаткичда бўлган. Фебрил харорат -88(58,6%) болаларда, субфебрил-39(26%), гипертермия-23(15,3%) беморларда кузатилган. Кўп холатларда турғун баланд тана харорати Шбб3 асоратланган холатларда, кардит, токсик синдром ҳамда уларнинг комбинациясида кузатилган.

Касаллик бошланғич даврида барча беморларда кучли интоксикация, гемодинамик ўзгаришлар, нафас олиш етишмаслиги, аъзо ва тизимлардаги ўзгаришлар билан кечган.

Ўткир нафас етишмаслик белгилари барча беморларда кузатилиб: HE<sub>2</sub> - 57,3% болаларда, ДН<sub>3</sub> -32,1%да аниқланган. Клиник бу холат перорал цианоздан бутун тана цианози билан намоён бўлган. 132(88%) беморларда тинч холатда нафас сиқилиши ва перорал хириллаш аниқланган. Бу холат нафас частотаси ва чуқурлиги вақт вақти билан юза нафас олиш, унинг тезлашиши, апноэ билан кузатилган. Барча холатларда бурун қанотларининг кенгайиши, нафас олишда қўшимча мушаклар иштироки ва кўкрак қафас пастки қисмларини тортилиши кузатилган. Аралаш нафас сиқилиши куруқ хириллашлар билан намоён бўлган.

Касалликнинг яна бир клиник кўринишларидан йўтал 94(62,6%) беморларда кузатилган. Баъзи холатларда оғриқли спастик йўтал билан намоён бўлган. Ўпка перкуссиясида 85 болада(56,6%) ўпка товушининг қисқариши, 32(21,3%) қутича ва 33(22%) тўмтоқ ўпка товуши эшитилган. Аускультацияда 3(2%) беморларда ўпкада эркин нафас, 56(37,3%) дағал нафас асосида куруқ хириллаш, 82(54,6%) суст нафас, 32(21,3%) майда пуфакли нам хириллашлар эшитилган.

Ўпканинг рентгенологик текширувларга кўра 85(56,6%)болаларда икки томонлама ўзгариш аниқланиб, яллиғланиш ўчоғи ўнг ўпканинг базал сегментларида, 23(15,3%) ўпканинг бир томонлама яллиғланиши аниқланган.

Ўчоқли яллиғланиш 65(43,3%), сегментар-76(50,6%), полисегментар-8 (5,3%0 ва 3(2%) лобар зотилжам кузатилган.

ШББЗ асоратлари тахлил қилинганда 12 (8%) обструкция синдроми, 75(50%) кардиореспиратор синдром, ўпкадан ташқари асоратлардан 48(32,0%) болаларда кардит ва 6(4%) сепсис аниқланган.

Шуниси ахамиятлики электрокардиограмма (ЭКГ) даги ўзгаришлар кўп ҳолларда электролитлар мувозанатининг бузилиши туфайли, миокарддаги метаболик ўзгаришларни кўрсатади. Таққослаш гуруҳида систолик шовқин, фақат 12 (30%) нафар беморда кузатилган. Бирок, ҳар бир алоҳида ҳолатда ЭКГ тахлили катта амалий аҳамиятга эга бўлди, чунки у ўзгаришларнинг табиатини аниқлашга ёрдам берди. Беморлар ҳолатининг яхшиланиши қаторида, синус тахикардияси ва юрак ўнг бўлмасининг ортиқча юкланиш белгиларининг камайиши, юрак ритми ва ўтказувчанлигининг тикланиши, миокарддаги метаболик жараёнларни яхшиланиши кузатилди.

Параклиник тахлил ўтказилганда, периферик қонга катта эътибор қаратилди: иккала гуруҳдаги болаларда "фон" камқонлик намоён бўлиш эхтимоли бўлган гемоглобин ва эритроцитларнинг ўртача қийматлари одатдагидан паст эканлиги аниқланган. Нормадан оғиш шифохона ичи зотилжам билан оғриган болаларда кўпроқ намоён бўлди. Жумладан, 1 гуруҳ болаларида эритроцитлардаги гемоглобиннинг ўртача миқдори  $87.1 \pm 1.20$  г/л, эритроцитлар эса  $3,1 \pm 0,05$  г/л ва  $4,5 \pm 0,05$ , ( $p < 0,05$ ) ни ташкил этди. Шифохона ичи зотилжам бўлган болаларда эритроцитларнинг чўкиш тезлиги 15 мм / соат, шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамда 8 мм/соат ташкил этди.

Касаллик авж даврида 32 (21,3%) болада нейтрофеллёз, нейтропения – 34 (22,6%) да, лимфоцитоз – 52 (34,6%) да, лимфоцитопения - 22 (14,6%) да, моноцитоз-10 (6,6%) беморларда кузатилган. Ўртача лейкоцит параметрларини тахлил қилиш нисбий лимфоцитоз (лимфоцитлар/сегментли нейтрофиллар нисбатининг ошиши) ва лимфоцитларнинг моноцитларга нисбатининг сезиларли даражада ошиши кузатилиб, бу бир томондан лейкоцитлар реакцияларини тартибга солувчи тизимда парасимпатик мосликнинг намоён бўлиши ва бошқа томондан – функционал глюкокартикоид етишмовчилиги ҳолатидан дарак беради.

Зотилжам ташхисини аниқлаштириш мақсадида барча (150) беморларга кўкрак қафас рентген текшируви ўтказилди. Улардан 12 (8%) та болада рентген текширувдан ўпкадаги ҳолат плевра ажралмаси билан асоратлангани аниқланди. Ажралма хусусиятини баҳолаш мақсадида плевра бўшлиғи ултратовуш текшируви (УТТ) ўтказилди. 10 (6,6%) та болада плевра бўшлиғида анэхоген сохалар аниқланган бўлиб, 6 (4%) тасида плевра бўшлиғи таркибида гипоэхоген ўзгаришлар аниқланган.


Шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам ташхисини тасдиқлаш ва ўпка бронхэктаз касалликлари билан дифференциал таққослаш мақсадида 150 дан 30 (20%) та болада кўкрак қафаси магнит спектри компьютер текшируви



(МСКТ) ўтказилди. Тасвирларни таҳлил қилишда ўпка тўқимаси шаффофлигининг ўзгариш даражаси аниқланган бўлиб унда: "музли шиша", гипо - ва гипервентиляция сохалари камайиши кузатилган. Шаффофликнинг сусайиши билан бирга перибронхиал ва периваскуляр, шунингдек интерстициал инфилтратив ўзгаришлар мавжудлиги аниқланди. Перибронхиал ва периваскуляр ўзгаришларга: бронхларнинг деформацияланиши ва деворларининг қалинлашиши, нотекис пневматизация, ва марказий лобуляр қалинлашиш кўринишидаги бронхиолит белгиларининг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шундай қилиб, шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамнинг учраши даражаси ва унинг шаклланишига олиб келувчи хавф омиллари аниқланди, шунингдек унинг ШббЗ клиник манзарасига бевосита таъсири исботланди.

Диссертациянинг «Эрта ёшдаги болаларда шифохона ичи зотилжамининг келиб чиқиши ва клиник -иммунологик хусусиятлари» номли тўртинчи бобида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам билан касалланган болаларда грамманфий бактериялардан (1-расм) *Staphylococcus aureus* (44,5%), *E.coli* – (43,6%) *Klebsiella pneum.* (32,7%) ва *Pseudomonas aur* (29,0 %) кўзгатувчилари аниқланган бўлиб, уларнинг комбинацияси (11%) беморларда кузатилган.



1-расм. Бактериологик тадқиқотлар кўрсаткичлари


Шундай қилиб, шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам ривожланишида *Staphylococcus aureus* (44,5%), *Klebsiella pneum.* (32,7%) ва *Pseudomonas aureus* (29,0%) грамманфий бактериялар аниқланиб, улар II-III авлод цефалоспоринларига сезувчанлиги юқори эканлиги исботланди.

Шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам билан касалланган болалардаги иммуннитет Т- лимфоцит тизимида аниқланди ва CD3<sup>+</sup> – лимфоцитлар миқдорининг пасайиши 39,8±1,3%, шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам билан касалланган 42,9±0,8% ва соғлом гуруҳдагиларга нисбатан 61,5±1,2% камайгани аниқланди.

Касаллик ўткир даврида CD4<sup>+</sup> – CD8<sup>+</sup>-лимфоцитлар хисобига CD3<sup>+</sup> – лимфоцитлар миқдорининг пасайиши (2-расм), CD16<sup>+</sup> – CD20<sup>+</sup> – миқдорининг

ошиши қайт этилди. Т-супрессорларга нисбатан Т-хелпер хужайраларнинг камайиши  $CD4^+/CD8^+$   $1,9 \pm 0,09$  иммун регуляцияси индексининг (ИРИ)  $2,0 \pm 0,2$  ўзгаришида аниқ намоён бўлган.

Шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамда, Т-лимфоцитлар нисбий сонининг камайишига қарамай ( $CD3^+$ ,  $CD4^+$ ), хужайра реакцияларининг интенсивлигини кўрсатувчи  $CD25^+$  фаоллаштириш маркёрлари бўлган хужайралар сонидан сезиларли ўсиш кузатилди –  $29,8 \pm 0,5\%$  ( $p < 0,05$  учун  $< 0,01$ ).



**2-расм. Текширилган болаларда иммунитет ҳолатининг даволашдан олдинги қиёсий кўрсаткичлари, ( $M \pm m$ )**

$CD19$  лимфоцитлардаги ўзгаришларни таҳлили ўтказилганда улар сонининг кескин ўзгариши, асосан 6 ойликгача бўлган болаларда, таққосий гуруҳдагиларга нисбатан сезиларли даражада ошгани кузатилди ( $p < 0,001$ ). Шунга асосланиб, билвосита хулоса қилганда ШББЗ оғриган болаларда лимфоцитлар реакциясининг фаоллиги касалликнинг юқори даврида В-хужайралар  $27,2 \pm 0,7\%$  плазматизациянинг юқори салоҳияти билан тавсифланади, бу эса соғлом болалар кўрсаткичларига нисбатан  $39,1 \pm 0,5\%$  ишонарли эди ( $p < 0,001$ ).  $CD8^+$  - лимфоцитларнинг  $15,2 \pm 0,5\%$  га шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам кўрсаткичларига нисбатан  $19,5 \pm 1,1$  сезиларли пасайиши кузатилди ( $p < 0,01$ ). Шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам бўлган болаларда иммун ҳолатининг янада чуқур бузилишлари аниқланди. Шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам кўрсаткичларига нисбатан  $CD3^+$ ,  $CD4^+$ ,  $CD8^+$  - лимфоцитларнинг сезиларли даражада камайиши ва  $CD16^+$ ,  $CD20^+$ ,  $CD25^+$  - лимфоцитларнинг кўпайиши кузатилди. Шунингдек, шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамга нисбатан  $16,4 \pm 1,1\%$ ,  $CD20^+$  - лимфоцитлар нисбий сони сезиларли ошгани аниқланди  $28,6 \pm 0,5\%$  ( $p < 0,01$ ).

ИРИ нинг ўзгариши  $CD4^+$  ва цитотоксик  $CD8^+$  хужайраларининг камайиши туфайли содир бўлади. ИРИ таҳлил натижалари шунини кўрсатдики,

шифоҳона ичи зотилжам билан оғриган беморларда унинг пасайишга мойиллиги аниқланган.

Шифоҳонага боғлиқ бўлмаган зотилжам билан оғриган беморларда СДЗ<sup>+</sup>-лимфоцитлар миқдориинг сезиларли ( $p < 0,01$ ) пасайиши амалда соғлом болаларга нисбатан 1,6 мартаба кўп аниқланган, аммо бу ўзгаришлар шифоҳона ичи зотилжам билан оғриган беморларда кўпроқ намоён бўлган ( $p < 0,001$ ). СД4<sup>+</sup> ва СД8<sup>+</sup> -лимфоцитларнинг ҳам сезиларли даражада ( $p < 0,001$ ) нормал қийматлардан фарқ қилиб, мос равишда  $28,1 \pm 0,7$  ва  $16,7 \pm 0,8\%$  ни ташкил этди. СД8<sup>+</sup> лимфоцитлар сонининг камайиши СД4<sup>+</sup> лимфоцитларга нисбатан яққолроқ намоён бўлди, бу эса гипосупрессив иммун жавобнинг устунлигини кўрсатади. Шифоҳона ичи зотилжам билан оғриган беморларда СД19<sup>+</sup> лимфоцитларнинг миқдори амалда соғлом болаларга нисбатан сезиларли даражада ( $p < 0,001$ ) юқори бўлди ва  $14,5 \pm 0,6\%$  ни ташкил этди.

Бу ўзгаришлар барча ҳоллатларда ишончлидир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, зотилжамнинг такрорий кечишида Т-лимфоцитлар сонининг кескин камайиши кузатилади.


Текширилган беморларда гуморал иммунитет ўрганилганда шу нарса аниқ бўлдики, шифоҳонага боғлиқ бўлмаган зотилжам билан касалланган беморларда касаллик клиник намоён бўлишининг авжида IgA  $96,6 \pm 6,0$  мг, %; IgM  $121,4 \pm 4,9$  мг %, ( $p < 0,01$ ) миқдорининг ишончли баландлиги, шифоҳонага боғлиқ бўлган зотилжам билан касалланган беморлар қон зардобидида IgA даражасининг ишончли пасайиши ва IgM миқдорининг баландлиги билан ифодаланди ( $44,5 \pm 2,5$  мг% ва  $92,4 \pm 3,1$  мг%).

Ушбу иммуноглобулинларнинг бундай динамикаси зотилжам билан оғриган болаларда иммун ҳимоя тизимининг умумий ингибирликка мойиллигини акс эттиради, чунки бу синф барча иммуноглобулинларнинг 80%ни ташкил этади. IgA концентрациясининг пасайиши уни иммун ҳимоя реакцияларида интенсив иштирок этиши оқибати бўлиши мумкин, чунки бу иммуноглобулинлар синфи, хусусан секретор IgA бронх - ўпка даражасида регионал иммунитетни таъминлайди. Иккала гуруҳ болаларида IgM концентрациясининг сезиларли ўсиши кузатилган ( $p < 0,001$  ва  $p < 0,05$ , мос равишда). Кўриниб турибдики, касаллик авж олган даврда иммун жавоб асосан IgM синфидаги антителалар томонидан таъминланади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики (3-расм), шифоҳонага боғлиқ бўлмаган зотилжамга ИЛ-1 $\beta$  ( $94,5$  да  $28,6$  пкг/мл;  $p < 0,01$ ), ИЛ-6 ( $44$  да  $10,2$  пкг/мл  $p < 0,01$ ), ИЛ-8 ( $51,1$  да  $18,2$  пкг/мл  $p < 0,01$ ) ва TNF $\alpha$  ( $62,2$  да  $28$  пкг/мл  $P < 0,01$ ) нисбатан шифоҳона ичи зотилжамда яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорининг ошиши ИЛ-1 $\beta$  ( $149,6 \pm 38,4$  пкг/мл;  $p < 0,01$ ), ИЛ-6 ( $89,6 \pm 21,2$  пкг/мл  $p < 0,01$ ), ИЛ-8 ( $84,6 \pm 18,5$  пкг/мл  $p < 0,01$ ) ва TNF $\alpha$  ( $98,4 \pm 48,2$  пкг/мл  $p < 0,01$ ) кузатилган.

Яллиғланишга қарши цитокинлар орасида ИЛ-1 $\beta$  ва ИЛ-6 классик цитокинлар бўлиб ҳисобланади. ИЛ-1 нинг асосий шакли ИЛ-1 $\beta$  бўлиб, секретор ҳолатда ишлаб чиқарилади, локал ва систематик таъсир кўрсатади. Иккала гуруҳда ҳам ИЛ-1 $\beta$  юқори даражада ишончли бўлиб, максимал

концентрацияси ўпка тўқималарининг ўтказувчанлигининг бузилиши билан бирмунча яққол намоён бўлувчи яллиғланишдан далолат беради.




**3-расм. Текширилган болаларда цитокинларнинг даволашдан олдинги параметрлари, (M±m)**

Бу цитокиннинг энг катта миқдори оғир кечувчи шифохонага боғлиқ бўлган зотилжамда кузатилган. ИЛ-1β даражасининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, ИЛ-1β шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамда ишончли ( $P < 0,01$ )  $94,5 \pm 3,5$  пг/мл, шифохона ичи зотилжамда эса  $149,6 \pm 13,7$  пг/мл гача ошган, бу эса назорат гуруҳига нисбатан 4,5 маротаба юқори бўлган. Олинган натижаларга асосланиб, шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам билан оғриган беморлар гуруҳида ИЛ-1β секрецияси юқори даражада эканлиги инфекцион жараённинг табиатига боғлиқлиги ҳақида ўйлашга асос бўла олади. Иккала текширилган гуруҳларда яллиғланишга қарши интерлейкин ИЛ-1β мунтазам ортиб бориши кузатилган, лекин бу кўрсаткич шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам билан оғриган беморларда яққолроқ намоён бўлган. Шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам ва шифохона ичи зотилжамда ИЛ-1β ва ИЛ-4 нинг интенсив синтези цитокин тизимининг мувозанати бузилишини акс эттиради. Шу билан бирга, шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам билан оғриган беморларда иммун жавоб асосан Th-1 тури бўйича ривожланади, бу эса ўпка тўқимасида инфекцион яллиғланиш ўчоғини такроран ҳосил бўлиши симптомларининг юзага келишида асосий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

ИЛ-1 турли механизмлари, хусусан ИЛ-1β билан  $TNF\alpha$  синергизмда ИЛ-6 ва ИЛ-8 ишлаб чиқаришни стимуляция қилади. ИЛ-6 нинг асосий манбаи Th2, макрофаглар, нейтрофиллар, фибробластлар ва эндотелий хужайраларидир. Иккала тадқиқотлар ўтказилган гуруҳ беморларнинг қон зардобида ИЛ-6 цитокини ошиши кузатилиб ШББЗ (12,3-баробар), ИЛ-4 миқдорининг 4,8 баробар ошиши аниқланган. Шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам оғир кечганда ИЛ-8 секрециясининг хусусияти ИЛ-1 ишлаб чиқариш хусусиятига ўхшаш бўлган ва бу кўрсаткичнинг энг кам миқдори

